
"Энг яхши ижтимоий ташаббус" кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрел кунги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари томонидан ўтказиладиган кўрик-танловлар тўғрисида"ги КҚ-214-IV-сонли қарорига асосан "Энг яхши ижтимоий ташаббус" кўрик-танлови эълон қилинган.

Мазкур кўрик танловда ҳокимлик ва бошқа кенг жамоатчиликни иштирок этиши, туман (шаҳар) босқичини намунали тарзда қуйидаги номинацияларда ўтказиш ҳамда ғолибларни муносиб тақдирлаш белгиланган.

"Энг яхши ижтимоий ташаббускор давлат бошқаруви органи";

"Энг яхши ижтимоий ташаббускор нодавлат ноижорат ташкилоти"; "Энг яхши ижтимоий ташаббускор тадбиркорлик субъекти";

"Энг яхши ижтимоий ташаббускор фуқаро";

"Энг яхши ижтимоий ташаббускор ҳокимлик" йўналишлари. Юқоридагиларни инobatга олиб, қуйидаги тадбирларни:

-мазкур кўрик-танлов юзасидан масъулларни ва кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, бу борада ижтимоий тармоқлар, ҳокимлик муассислигидаги газета, Кенгаш котибияти ва ҳокимликнинг веб-сайтларида эълон қилиш;

- кўрик-танловнинг ҳудудий (туман, шаҳар) босқичида ҳар бир номинация бўйича талабгорларнинг тўлиқ катнашишини ташкил этиш;

- кўрик-танловнинг ҳудудий (туман, шаҳар) босқичини очиқ-ошкоралик тарзида адолатли ўтишини таъминлаш;

-кўрик-танловнинг ҳудудий (туман, шаҳар) босқичи ғолибларини муносиб тақдирлаш ва уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

-кўрик-танловнинг ҳудудий (туман, шаҳар) босқичи ғолибларини вилоят босқичида муносиб иштирок этишларини ташкил этиш, бу борада ғолиблар фаолияти акс этган керакли ҳужжатларни туман Кенгаши котибиятига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлашини таъминлаш.

Вилоят босқичи ғолиблари вилоят ҳокимлиги ва хомийларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланади

Кенгаш раиси,

туман ҳокими

С. Солиев

2021-08-20 18:53:54